



ТОК ҚАЛАМЧАЛАРИНИ ТУТУВЧАНЛИГИ ЎСТИРУВЧИ МОДДАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ.

Эгамбердиев Пулатжон Эргашович
Хайруллаева Сарвиноз Лутфулло қизи
Zhong Weizhou

+99890 404-20-16 (Пулатжон)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15182601>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-Aprel 2025 yil

Ma'qullandi: 05- Aprel 2025 yil

Nashr qilindi: 09-Aprel 2025 yil

KEYWORDS

ток, қаламча, новда, илдиз,
қўчат, новда, ИМК,
ривожланиш.

ABSTRACT

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Ток қаламчаларининг тутувчанлигида ИМК муҳим рол ўйнайди. Илдизнинг ривожланишида, каллус тўқималарини ривожланишида, ток қаламчаларнинг ер устки қисми ва ер остки илдиз тизимининг ривожланишида ИМК нинг ўрни жуда катталиги тажриба натижаларида аниқланди.

Ток қаламчаларни яхши ривожланиши учун экишдан олдин ишлов бериш яхши натижа беради. Асосий мақсад экилган қаламчаларда илдиз ҳосил бўлишини тезлаштиришдир[1;3;]. Ток қаламчаларига ишлов берилмаган ҳолда экиш қаламчаларнинг тутмаслигига сабаб бўлиши, яна бир қисми барг ва новда чиқариб кейин нобуд бўлиши мумкин. Бунга сабаб, асосан илдизнинг яхши ривожланмаганлигидир. Қаламчаларнинг дастлабки ўсиши учун кузда кесилган қаламчалар кўмилганда озика моддалар ва намлик ўзига олиш ҳисобига бўлади[2;4;]. Илдиз ҳосил бўлиши олдидан янги новдалар шакилланса ер уски ва илдиз ўртасидаги мутаносиблик бузилса қаламча нобуд бўлади. Қўчатчилик билан шуғилланувчи фермер хўжалигида илдиз ҳосил бўлишини тезлаштириш учун турли хил кимёвий моддалардан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос узумнинг хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навларини танлаш ва илдиз ривожланишига ИМК таъсирини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Сирдарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навларни комплекс ўрганиш асосида шу ҳудудга мос истиқболли навларни танлаш;

ток қаламчаларини тутувчанлиги ва ривожланишига ИМК ўстирувчи моддаларнинг миқдорини аниқлаш;

Тадқиқот материаллари ва услуби. Асосий дала тажрибалари Х.Ч.Буриев ва бошқалар томонидан тавсия этилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» ва В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» номли услуби кўрсатмасида тавсифланган тавсиялар асосида бажарилди [1;4;].

Тажриба маълумотларининг статистик ишлови Б.А. Доспехов тавсия этган услубда амалга оширилди [2;].

Тадқиқот натижалари: Узумнинг хўраки Тайфи розовый навида тутувчанглик қаламчаларга ишлов берилмаган назорат вариантда жами 200 та қаламчадан тутгани

137 дона, тутувчанглик эса 68,5 % ни ташкил этган бўлса, ИМК 30 мг/л сув билан ишлов берилганда назорат вариантга нисбатан қаламчалар тутган сони 30 дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги эса 15 % юқори бўлиши аниқланди. ИМК 40 мг/л сув билан ишлов берилганда тутган қаламчалар сони назорат вариантдан 41 дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги 20,5 % юқори бўлиши қайт этилди. ИМК 50 мг/л сув билан қўлланилганда қаламчаларнинг тутганлик даражаси назорат вариантдан 48 дона юқори, қаламчаларнинг тутувчанлиги эса 24 % юқори кўрсаткичга эга бўлди. ИМК 60 мг/л сув билан қўлланилганда қаламчаларнинг тутгани назорат вариантдан 44 дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги назорат вариантдан 22,0 % юқори курсаткичда бўлиши қайт этилди.

Узумнинг кишмишбоп Кишмиш Согдиана навида қаламчаларни тутувчанлиги ишлов берилмаган назорат вариантда жами 200 та қаламчадан

жадвал

Ток қаламчаларини ИМК билан ишлов беришнинг ток қаламчаларининг тутувчанлигига боғлиқлиги (2021-2023-йй).

Вариантлар	Экиш муддати кун, ой	Кўчат миқдори, дона		Тутувчанлик, %
		жами	тутгани	
Тайфи розовый нави				
Ишлов берилмаган назорат	1.04	200	137	68,5
ИМК 30 мг/л	1.04	200	167	83,5
ИМК 40 мг/л	1.04	200	178	89,0
ИМК 50 мг/л	1.04	200	185	92,5
ИМК 60 мг/л	1.04	200	181	90,5
Кишмиш Согдиана нави				
Ишлов берилмаган назорат	1.04	200	145	72,5
ИМК 30 мг/л	1.04	200	160	80,0
ИМК 40 мг/л	1.04	200	164	82,0
ИМК 50 мг/л	1.04	200	169	84,5
ИМК 60 мг/л	1.04	200	166	83,0
Баян ширей нави				
Ишлов берилмаган назорат	1.04	200	145	72,5
ИМК 30 мг/л	1.04	200	165	82,5
ИМК 40 мг/л	1.04	200	169	86,0
ИМК 50 мг/л	1.04	200	186	93,0
ИМК 60 мг/л	1.04	200	179	89,9

тутгани 145 дона, тутувчанглик эса 72,5 % ни ташкил этган бўлса, ИМК 30 мг/л сув билан ишлов берилганда назорат вариантга нисбатан қаламчаларнинг тутган сони 15 дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги эса 7,5 % юқори бўлиши аниқланди. ИМК 40 мг/л сув билан ишлов берилганда тутган қаламчалар сони назорат вариантдан 19,0

дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги 11,5 % юқори бўлиши қайт этилди. ИМК 50 мг/л сув билан қўлланилганда қаламчаларнинг тутганлик даражаси назорат вариантдан 24 дона юқори, қаламчаларнинг тутувчанлиги эса 12 % юқори кўрсаткичга эга бўлди. ИМК 60 мг/л сув билан қўлланилганда қаламчаларнинг тутгани назорат вариантдан 21 дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги назорат вариантдан 11,5 % юқори курсаткичда бўлиши қайт этилди.

Узумнинг шароббоп Баян ширей навида тутувчанлик қаламчаларга ишлов берилмаган назорат вариантда жами 200 та қаламчадан тутгани 145 дона, тутувчанлик эса 72,5 % ни ташкил этган бўлса, ИМК 30 мг/л сув билан ишлов берилганда назорат вариантга нисбатан қаламчалар тутган сони 20 дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги эса 10,0 % юқори бўлиши аниқланди. ИМК 40 мг/л сув билан ишлов берилганда тутган қаламчалар сони назорат вариантдан 24 дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги 13,5 % юқори бўлиши қайт этилди. ИМК 50 мг/л сув билан қўлланилганда қаламчаларнинг тутганлик даражаси назорат вариантдан 41 дона юқори, қаламчаларнинг тутувчанлиги эса 20,5 % юқори кўрсаткичга эга бўлди. ИМК 60 мг/л сув билан қўлланилганда қаламчаларнинг тутгани назорат вариантдан 34 дона кўп, қаламчаларнинг тутувчанлиги назорат вариантдан 17,4 % юқори курсаткичда бўлиши қайт этилди (-жадвал).

Хулоса. Ток қаламчаларига ИМКнинг 50 мг/л сувли эритмаси билан ишлов берилганда энг юқори – Тайфи розовый навида 92,5 %, Кишмиш Согдиана навида 84,5 % ва Баян ширей навида 93,0 % илдиз олувчанлиги эришилди. Бу вақтда ўсишни бошқарувчи модда билан ишлов берилмаган вариантда қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги 68,5-72,5 % дан ошмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Буриев Х.Ч. Олманинг соғломлаштирилган ниҳолларини “in vitro” усулида олиш технологияси. Услубий қўлланма – Т., 2013. – 13-15 б.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва, Колос, 1973, с. 249-252.
3. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Размножение винограда зелеными черенками. Труды ТашСХИ, вып. 55, Ташкент, 1976, с. 48-56.
4. Мирзаев М.М. Виноградарство предгорно-горной зоны Узбекистана. - Ташкент, Фан, 1980. – С. 3-5.
5. К. С. Султонов “Узумнинг юқори сифатли сертификатланган кўчатларини ишлаб чиқариш тизимининг илмий асослари” диссертация Ташкент 2018. – С. 5-132.
6. Ш. Темуров. Узумчилик. Тошкент 2002.–С. 145-146.